

**ФИЗИКА-ТЕХНИКА ИНСТИТУТИ, ИОН-ПЛАЗМА ВА ЛАЗЕР
ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИНСТИТУТИ, САМАРҚАНД ДАВЛАТ
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017. FM./T.34.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ФИЗИКА-ТЕХНИКА ИНСТИТУТИ

ГУЛЯМОВ АБДУРАСУЛ ҒАФУРОВИЧ

**ЯРИМЎТКАЗГИЧЛИ СТРУКТУРАЛАРНИНГ ДИНАМИК
ХАРАКТЕРИСТИКАЛАРИГА ДЕФОРМАЦИЯ ВА КУЧЛИ
ЭЛЕКТРОМАГНИТ МАЙДОННИНГ ТАЪСИРИ**

01.04.10 – Яримўтказгичлар физикаси

**ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ–2017

Докторлик (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации

Contents of the of Doctoral (DSc) Dissertation Abstract

Гулямов Абдурасул Гафурович

Яримўтказгичли структураларнинг динамик характеристикаларига
деформация ва кучли электромагнит майдоннинг таъсири 3

Гулямов Абдурасул Гафурович

Влияние деформации и сильного электромагнитного поля на
динамические характеристики полупроводниковых структур 25

Gulyamov Abdurasul Gafurovich

Influence of deformation and strong electromagnetic field on dynamic
characteristics of semiconductor structures 47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 55

**ФИЗИКА-ТЕХНИКА ИНСТИТУТИ, ИОН-ПЛАЗМА ВА ЛАЗЕР
ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИНСТИТУТИ, САМАРҚАНД ДАВЛАТ
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017. FM./T.34.01 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

ФИЗИКА-ТЕХНИКА ИНСТИТУТИ

ГУЛЯМОВ АБДУРАСУЛ ҒАФУРОВИЧ

**ЯРИМЎТКАЗГИЧЛИ СТРУКТУРАЛАРНИНГ ДИНАМИК
ХАРАКТЕРИСТИКАЛАРИГА ДЕФОРМАЦИЯ ВА КУЧЛИ
ЭЛЕКТРОМАГНИТ МАЙДОННИНГ ТАЪСИРИ**

01.04.10 – Яримўтказгичлар физикаси

**ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ–2017

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.2.DSc/FM36 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Физика-техника институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (fti-kengash.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:	Аюханов Рашид Ахметович физика-математика фанлари доктори
Расмий оппонентлар:	Мамадалимов Абдугафур Тешабаевич физика-математика фанлари доктори, академик Имамов Эркин Зуннунович физика-математика фанлари доктори, профессор Расулов Рустам Явкачович физика-математика фанлари доктори, профессор
Етакчи ташкилот:	Андижон Давлат унверситети

Диссертация ҳимояси Физика-техника институти, Ион-плазма ва лазер технологиялари институти, Самарқанд давлат университети ҳузуридаги DSc.27.06.2017. FM./T.34.01 рақамли Илмий кенгашининг 2017 йил «__» _____ соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100084, Тошкент шаҳри, Бодомзор йўли кўчаси, 26-уй. Тел./факс: (99871) 235-42-91; e-mail: lutp@uzsci.net, Физика-техника институти мажлислар зали.)

Диссертация билан Физика-техника институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (__ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100084, Тошкент шаҳри, Бодомзор йўли кўчаси, 26-уй. Физика-техника институти. Тел./факс: (99871) 235-30-41.

Диссертация автореферати 2017 йил «__» _____ да тарқатилди.
(2017 йил «__» _____ даги ____ рақамли реестр баённомаси.)

С.Л. Лутпуллаев
Илмий даражалар берувчи Илмий
кенгаш раиси, ф.-м.ф.д., профессор

А.В. Каримов
Илмий даражалар берувчи Илмий
кенгаш илмий котиби, ф.-м.ф.д., профессор

С.А. Бахрамов
Илмий даражалар берувчи Илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар раиси,
ф.-м.ф.д., профессор

КИРИШ (фан доктори диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Ҳозирги кунда жаҳонда тинимсиз ривожланишдаги яримўтказгичли материаллар ҳамда яримўтказгичли структураларнинг фото ва тензо хоссаларини ўрганиш соҳасида, айниқса, бу хоссаларни ёруғлик, деформация ва ўта юқори частотали электромагнит майдон таъсирида бошқариш йўналишида интенсив тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада яримўтказгичли материалларнинг функционал характеристикаларини бошқариш орқали яримўтказгичли асбобларнинг ноёб хоссаларини аниқлаш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Мустақиллик йилларида Республикамиз илм-фан соҳасида, хусусан яримўтказгичлар физикасининг ривожланишига, жумладан, тензосезгир ва фотосезгир яримўтказгичли структураларни олиш технологияларига катта эътибор қаратилди. Бу йўналишда чуқурэнергетик сатҳлар ҳосил қилувчи аралашмали яримўтказгичли материаллар ва аномал катта фотоқучланишга эга юпка яримўтказгичли пардалар олинди, фотоўтказувчанлик эффектларини, тор соҳали ва қатламли материаллар асосида фото- ва тензосезгир структураларни олиш бўйича сезиларли натижалар олинди. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясига кўра илмий-тадқиқот ва инновация фаолиятини рағбатлантириш, илмий ва инновация ютуқларини амалиётга жорий этишнинг самарали механизмларини яратиш, яримўтказгич ва яримўтказгичли структураларда кечадиган физик жараёнларга кучли электромагнит майдон, ёруғлик ва деформация таъсири масалаларига алоҳида эътибор қаратиш муҳим аҳамиятга эга.

Ҳозирги кунда жаҳонда яримўтказгичли структураларнинг динамик характеристикаларига деформация ва кучли электромагнит майдон таъсирини ўрганишда кучли электромагнит майдон, деформация ва ёруғлик таъсирида юзага келувчи ток ва электрйоритувчи кучлар табиатини очиб беришда олиб критик нуқта яқинидаги частота билан ёритилганда юзага келувчи эффектларга катта эътибор қаратилмоқда. Бу борада мақсадли илмий тадқиқотларни амалга ошириш, жумладан, вакуумли чанглатиш натижасида олинган тензосезгир пленкаларда юзага келувчи аномал катта қийматга эга тензосезгирлик коэффицентини тушунтириб берувчи потенциал тўсиқлар системаси моделини қуриш; потенциал тўсиқлар системаси модели асосида деформация потенциали доимийсини баҳолаш; хусусий ёруғлик билан ёритилган p-n-ўтишда доимий деформация таъсирида тензосезгирликни бошқариш мумкинлигини аниқлаш; яримўтказгичлардаги генерацион-рекомбинацион жараёнларни тушунтиришда фазалар портретидан фойдаланиш мумкинлигини аниқлаш; квазибирўлчамли электрон газнинг ҳолатлар зичлиги ва энергетик сатҳларининг иссиқлик кенгайишини тадқиқ қилиш; кристалл панжара тебраниши ва энергетик сатҳларнинг иссиқлик кенгайиши билан боғлиқ энергетик тирқишларнинг температуравий боғлиқлигини тадқиқ қилиш муҳим масала ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4997-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони ва 2010 йил 15 декабрдаги ПҚ – 1442-сон «2011–2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида»ги ва 2017 йил 17 февралдаги ПҚ–2789-сон «Фанлар академияси фаолияти, илмий тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига мослиги. Тадқиқот иши Ўзбекистон Республикасининг фан ва технологиялар ривожланишининг Ф2. “Физика, астрономия, энергетика ва машинасозлик” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича халқаро илмий тадқиқотлар шарҳи¹.

Яримўтказгичли структураларга ўта юқори частотали майдон ва деформациянинг таъсири бўйича дунёнинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан, Departamento de Física Aplicada, Universidad de Salamanca(Испания), Ludwig-Maximilians-Universität München (Германия) университетларида ўта юқори частотали майдон таъсирида осцилляцион эффектлар бўйича, Россия Федерацияси Фанлар академиясининг Физика-техника институтида ўта юқори частотали майдон таъсирида электронларнинг қизиши натижасида юзага келувчи электр юритувчи кучлар ва ноидеаллик коэффициенти бўйича, Доғистон Илмий марказининг Физика институти (Россия)да ўта юқори частотали туннел диодларига турли амплитудаларда юқори частотали сигналлар таъсири бўйича тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Яримўтказгичли структураларга деформация ва электромагнит нурланиш таъсирини ўрганишга оид жаҳонда олиб борилган тадқиқотлар натижасида қатор, жумладан, қуйидаги илмий натижалар олинган: кадмий теллур (National Astronomical Observatory of Japan) ва германийли юпка пардалар асосида фотоволтаик эффектли структуралар олинган (The American Institute of Physics, АҚШ); p-n-ўтишларнинг қаршилигига ҳарорат ва босим таъсирининг хусусийлиги ўрганилган (University of New Hampshire, АҚШ); ўтаюқоричастотали тўлқинларнинг таъсирида яримўтказгичли структуралар хоссаларининг ўзгариши аниқланган (А.Ф. Иоффе номидаги Физика-техника институти, Санкт-Петербург, Россия); профессор Ю.Г. Гуревич бошчилигида иссиқ электронлар назарияси ривожлантирилган (Мексика Миллий политехника институти, Мехико).

Ҳозирги кунда жаҳонда яримўтказгичли структураларга электромагнит

¹ Диссертация мавзуси бўйича халқаро илмий-изланишлар шарҳи Holmium-related luminescence in crystalline silicon // Materials Science Engineering, V.B81, p.176-178 (2001) ва бошқа манбаалар асосида бажарилган.

майдони, ёруғлик ва деформация таъсирида ток характеристикаларининг шаклланиш жараёнларини тадқиқ қилиш устида бир қатор, жумладан, қуйидаги устивор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: яримўтказгичли р-п-ўтишларда аномал катта тензосезгирликни юзага келиш механизмлари, квазибирўлчамли электрон газнинг ҳолатлар зичлиги ва энергетик сатҳларига ҳароратнинг таъсири, кристалл панжара тебраниши ва энергетик сатҳларнинг ҳароратга боғлиқлиги, электр юритувчи куч ва тоқларнинг генерацияланиш жараёнлари устида назарий ва амалий тадқиқотлар олиб бориш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Илк бор яримўтказгичларнинг деформацион хоссалари Ч. Смит (Англия) томонидан ўрганилган бўлиб, бунда германий ва кремнийларнинг қаршилигига бир ўқ бўйлаб деформациянинг таъсири тадқиқ этилган.

АҚШнинг New Hampshire университети олимлари Н.Н. Hall раҳбарлигида германийли р-п-ўтишнинг қаршилигига босим ва ҳароратнинг таъсирини ўрганишган ва паст кучланишларда уларнинг экспоненциал боғлиқлигини аниқлашган. The American Institute of Physics университети олимлари томонидан олиб борилган тадқиқотлар яримўтказгичли диодларга юқори частотали гармоник сигналлар таъсирида вольтампер характеристикаларининг шаклланиш жараёнларини тадқиқ этишга бағишланган.

Хозирги пайтда А.Ф. Иоффе номи Физика-техника институтида (Россия) профессор А.И. Вейнгер² бошчилигида $p_p \gg n_n$ (n_n ва p_p лар п- ва р-соҳадаги асосий заряд ташувчилар концентрацияси) бўлган ҳол учун ўтаюқоричастотали майдондаги кремнийли р-п-ўтишларда экспериментал натижалар олинган бўлиб, бунда тескари кучланишларда ҳам мусбат тоқлар кузатилиши мумкинлиги кўрсатиб берилган.

Ўтаюқоричастотали майдон таъсирини тадқиқ этишда К.М. Алиев³ ва бошқа россиялик олимлар ўз ҳиссаларини қўшганлар, бунда улар фазалар портретининг трансформация жараёнларини ўрганиб чиққанлар.

Мамлакатимизда Г. Гулямов⁴ ва М. Дадамирзаев томонидан ўтаюқоричастотали майдонда электрон ва фононларнинг кизишида ўлчамга боғлиқ бўлган ички электростатик майдонли р-п-ўтишларда иссиқлик эффектларининг кучайиши ўрганилган. Заряд ташувчиларнинг нотекис кизиши натижасида юзага келувчи уюрмали тоқлар тадқиқ этилган ва яримўтказгич структураларга ёруғлик, деформация ва ўтаюқоричастотали майдон таъсири тадқиқ этилган.

Шуларга қарамай фундаментал ютилиш чегарасида ёритилган

² Аблязимова Н.А., Вейнгер А.И., Питанов В.С. Электрические свойства кремниевых р-п переходов в сильных СВЧ полях. // ФТП. 1988, т.22, вып.1, с. 2001.

³ Алиев К.М., Камилов И.К., Ибрагимов Х.О., Абакарова Н.С. Отрицательное дифференциальное сопротивление N-типа, гистерезис и осцилляции на вольт-амперных характеристиках сверхвысокочастотных диодов // Физика и техника полупроводников. – Санкт-Петербург, 2012, т. 46. №8. – С. 1082–1087.

⁴ Shamirzaev S.H., Gulyamov G., Dadamirzaev M.G., Gulyamov A.G. Eddy Currents Appearing in a p-n Junction in a High Microwave Field // Semiconductors. –USA, 2011, -vol. 45, No.8, pp. 1035–1037.

яримўтказгичли структураларга деформация ва ўта юқори частотали майдоннинг таъсири билан боғлиқ муаммолар ҳал этилмай қолмоқда.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Физика-техника институти илмий-тадқиқот ишлари Ф.2-1.55 рақамли «Яримўтказгичларда электрйоритувчи кучларнинг юзага келишининг янги механизмлари» (2003-2007); ОТ-Ф2-077 рақамли «Яримўтказгич пардаларда деформацион эффектлар динамикаси ва уларда юзага келувчи тоқларга электромагнит тўлқинларнинг таъсири» (2007-2011) мавзусидаги лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади яримўтказгич ва яримўтказгичли структураларда кечадиган физик жараёнларга кучли электромагнит майдон, ёруғлик ва деформация таъсирини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

вакуумли чанглатиш натижасида олинган Bi_2Te_3 ва Sb_2Te_3 тензосезгир пленкаларда юзага келувчи аномал катта қийматга эга тензосезгирлик коэффицентини тушунтириб берувчи потенциал тўсиқлар системаси моделини қуриш;

потенциал тўсиқлар системаси модели асосида деформация потенциали доимийсини баҳолаш;

хусусий ёруғлик билан ёритилган р-п-ўтишда доимий деформация таъсирида тензосезгирликни бошқариш мумкинлигини аниқлаш;

яримўтказгичли фотоэлементларда генерацияланаётган фототоқлар ва фотоэлектр йоритувчи кучларни деформация ва ўта юқори частотали майдон таъсирида бошқариш мумкинлигини аниқлаш.

Яримўтказгичлардаги генерацион - рекомбинацион жараёнларни тушунтиришда фазалар портретидан фойдаланиш мумкинлигини аниқлаш;

квазибирўлчамли электрон газнинг ҳолатлар зичлиги ва энергетик сатҳларининг иссиқлик кенгайишини тадқиқ қилиш;

кристалл панжара тебраниши ва энергетик сатҳларнинг иссиқлик кенгайиши билан боғлиқ энергетик тирқишларнинг ҳароратга боғлиқлигини тадқиқ қилиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида яримўтказгичли *p-n*-ўтишлар, юпқа яримўтказгичли пардалар, FeIn_2S_4 , CuIn_5S_8 и $\text{MnIn}_5\text{S}_{8.5}$ монокристаллар олинган.

Тадқиқотнинг предмети ёруғлик, деформация ва ўта юқори частотали майдон таъсир этганда р-п-ўтишда тоқ характеристикаларининг шаклланиш жараёнлари, Ван Ховнинг сингуляр нуқталари яқинида яримўтказгичли р-п-ўтишларда аномал катта тензосезгирликнинг юзага келиш механизмлари, температура таъсирида рухсат этилган соҳалардаги энергетик сатҳларнинг кенгайиш жараёнлари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Қўйилган масалаларни ечишда назарий ҳисоблаш, компьютерли моделлаштириш ва фазалар портрети усуллари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

фундаментал ютилиш чегарасида деформация таъсирида тақиқланган соҳа кенглигини ўзгариши ҳисобига ютилиш коэффицентининг кескин ортиши натижасида р-п-ўтиш тензосезгирлигининг аномал катта қийматларга эришиши аниқланган;

р-п-ўтишнинг вольтампер характеристикасининг ёруғлик, деформация ва кучли ўта юқори частотали электромагнит майдони таъсирида ўзгариши электрон ва ковакларнинг Ферми квазисатҳларининг фарқи билан тушунтирилиши назарий асосланган;

ёруғлик ва деформация таъсирида фотоэлектрон ва фотоковаклар генерацияланиши натижасида диодларда манфий электр юритувчи куч ҳосил бўлиши, ўта юқори частотали тўлқин таъсирида эса электрон ва коваклар қизиши натижасида мусбат ишорали электр юритувчи куч пайдо бўлиши аниқланган;

ўзгарувчан деформация частотасининг заряд ташувчилар яшаш вақтига кўпайтмаси бирдан катта бўлганда фазалар портретининг шакли горизонтал кесмага айланиши, бирдан кичик бўлганда фазалар портретининг шакли вертикал кесма тусини олиши ва бирга тенг бўлганда эса фазалар портретининг шакли энг катта юза ҳосил қилиши аниқланган;

ўзгарувчан деформация таъсирида рекомбинация марказларининг ортиши фазалар траекториясининг спиралсимон равишда кичик қийматлар томон ўралиб бориши, рекомбинацион марказларнинг камайиши эса фазалар траекториясини спиралсимон равишда катта қийматлар томон очилиб бориши аниқланган;

$\text{MnIn}_5\text{S}_{8.5}$, FeIn_2S_4 ва CuIn_5S_8 монокристалларида электронларнинг панжара тебраниши билан бирга рухсат этилган соҳалардаги энергетик сатҳларнинг термик кенгайиши тақиқланган соҳа кенглигини тўлиқ ўзгаришига олиб келиши аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

диодли структурага ўтаюқоричастотали майдон таъсир этганда электр юритувчи кучнинг ҳосил бўлиш хоссаси, унинг ўтаюқоричастотали майдон индикатори сифатида ишлаш имкониятини очиб берган;

тензосезгир р-п-ўтишни фундаментал ютилиш чегарасидаги нур билан ёритиш ҳисобига унинг босимга сезгирлигини кўп карра ошириш имконияти тензодатчикнинг иш диапазонини кенгайтириш учун ишлатилиши мумкин.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ҳисоб ишларининг етакчи мутахассислар томонидан ўтаюқоричастотали диодлар учун олган натижалари билан мос келиши, тадқиқот объектлари ва усуллариининг тўғри танлангани, ечимларнинг аниқлиги баҳолангани, экспериментал натижалар билан солиштирилгани ва сонли экспериментлар ўтказилгани билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти р-п-ўтишга ёруғлик, деформация ва ўтаюқоричастотали майдон таъсир этганда содир бўладиган жараёнларни янгича талқин қилишга имкон беради.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, критик нуқталар яқинида аномал катта тензосезгирлик ҳосил қилиш бўйича олинган натижалар янги ўтасезгир тензодатчиклар ишлаб чиқаришда қўлланилиши мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Яримўтказгичли структураларнинг динамик характеристикаларига деформация ва кучли электромагнит майдоннинг таъсирини аниқлаш бўйича олинган натижалар асосида:

кучли электромагнит майдони, ёруғлик ва деформация таъсирида яримўтказгич ва яримўтказгичли структураларда кечаётган физик жараёнларга назарий ёндашишлари «Transporte Mono- у Bipolar en Estructuras Semiconductoras» мавзудаги хорижий грант лойиҳасида яримўтказгичли структураларнинг деформация ва электромагнит таъсиридаги динамик характеристикаларини тушунтиришда қўлланилган (Мексика Миллий политехника институтининг 2017 йил 15 февралдаги 615-сон маълумотномаси). Илмий натижалардан фойдаланиш ташқи таъсир натижасида энергетик сатхларда содир бўладиган жараёнларни тушунтириш имконини берган;

ёруғлик, ўта юқори частотали майдон ва деформация таъсирида юзага келувчи ток ва электр юритувчи кучларнинг янги механизмлари бўйича олинган натижалар 14-02-00033 рақамли «Светоиндуцированные эффекты в асимметричных наноструктурах» мавзусидаги хорижий грант лойиҳасида р-п-ўтишнинг вольтампер характеристикасининг ўзгариш механизмини аниқлашда фойдаланилган (Россия Фанлар академияси Сибир бўлинмаси Яримўтказгичлар физикаси институтининг 2017 йил 29 августдаги 15307-46-2433-сон маълумотномаси). Илмий натижалардан фойдаланиш яримўтказгичли наноструктураларнинг ва квант нуқталарининг оптик хоссаларига кучли электромагнит майдон таъсирини аниқлаш имконини берган;

хусусий ютилиш чегарасида деформация эффектларининг янгича талқини, яримўтказгичли фотоэлементларда генерацияланаётган фототоклар ва фотоэлектр юритувчи кучларни деформация ва ўта юқори частотали майдон таъсиридаги назарий ҳисоблари ОТ-2Ф-076 рақамли «Юқори самарали фотоқайд қилгичлар яратиш мақсадида квант нуқтали наноўлчамли гетероструктуралардаги экситонлар, поляронлар ва кўчиш ходисаларини ўрганиш» мавзусидаги грант лойиҳасида (2007-2011) қўлланилган (Ўзбекистон Республикаси Фан ва технологиялар агентлигининг 2017 йил 28 августдаги ФТА-02-11/560-сон маълумотномаси). Илмий натижалардан фойдаланиш яримўтказгичли структураларда ёруғликнинг ютилиш коэффицентини бошқариш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси.

Диссертация ишининг натижалари 11 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманида маъруза қилиниб, муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 25 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон

Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 11 та мақола нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва 4 та илова, 54 та расм ва 2 та жадвалдан иборат. Диссертация ҳажми 184 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, мавзу бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи, муаммонинг ўрганилганлик даражаси келтирилган, тадқиқот мақсади, вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар берилган.

Диссертациянинг **«Яримўтказгичли структураларнинг босим ва ўтаюқоричастотали майдон билан таъсирлашувининг замонавий ҳолатининг шарҳи»** деб номланган биринчи бобида ўтаюқоричастотали майдоннинг яримўтказгичли структураларга ҳамда ташқи деформациянинг яримўтказгичли структураларга таъсири ва фазалар портретларининг яримўтказгичларни тадқиқ қилишдаги ўрни ҳақидаги адабиётлар шарҳи келтирилган. Мавжуд маълумотларнинг назарий ва экспериментал таҳлили натижасида вазифаларнинг қўйилиши шакллантирилган.

Диссертациянинг **“Ёруғлик ва деформацияни яримўтказгичли структураларнинг тензосезгирлигига таъсири”** номли иккинчи бобида вакуумли чанглатиш натижасида олинган Bi_2Te_3 ва Sb_2Te_3 яримўтказгичли плёнкаларнинг потенциал тўсиқлар тизимидаги тензорезистив эффектлар тадқиқ этилган. Тензосезгирлик коэффициенти K учун қуйидаги ифода олинган:

$$K = \frac{2}{\hbar} \sqrt{2m(U-E)} \cdot l_0 \frac{a+l_0}{l_0} = K_0 \frac{a+l_0}{l_0}. \quad (1)$$

Кетма-кет потенциал тўсиқлар тизими модели, вакуумли чанглатиш натижасида олинган Bi_2Te_3 ва Sb_2Te_3 яримўтказгичли плёнкалардаги аномал катта бўлган тензосезгирлик коэффициентининг юзага келиши тушунтириб берилган.

Наноструктуралардаги потенциал тўсиқлар тизими тадқиқ этилган. Крониг-Пенни моделига асосан тўлқин векторининг энергияга боғлиқлигини ифодаловчи қуйидаги ифода олинган:

$$k(E, b) = \frac{\arccos\left(\frac{\beta^2 - \alpha^2}{2\alpha\beta} \operatorname{sh}(\beta b) \sin(\alpha a) + \operatorname{ch}(\beta b) \cos(\alpha a)\right)}{a + b} \quad (2)$$


бу ерда: $\beta = \sqrt{\frac{2m_0 E}{\hbar^2}}$, $\alpha = \sqrt{\frac{2m_0(U-E)}{\hbar^2}}$

Сўнгра олинган графиклар орқали тақиқланган соҳа кенглиги $\delta E = E_2 - E_1$ ва потенциал тўсиқлар кенгликлари қанчалик $\delta b = b_2 - b_1$ ўзгарганини билган ҳолда (3) ифода орқали деформация потенциали доимийси аниқланган:


$$\Xi = \frac{\delta E}{\varepsilon} \quad (3)$$

Шундай қилиб, Крониг-Пенни модели асосида олинган графиклар маълумотлари ёрдамида деформация потенциали доимийсини аниқлаш мумкинлиги кўрсатиб берилган.

Бундан ташқари ёритилган р-п-ўтишнинг тензосезгирлиги тадқиқ этилган. Бунда асосий эътиборни ёруғликнинг ютилиш коэффициентига деформациянинг таъсирига қаратилган. Ютилиш коэффициентини ўрганишда ҳолатлар зичлиги функциясидаги Ван Хов сингуляр нукталарига алоҳида эътибор қаратилган. Босим орқали яримўтказгичларнинг ютилиш коэффициентини бошқариш мумкинлиги кўрсатиб берилган, бу эса ўз ўрнида Ван Ховнинг критик нукталарини жиқдириш имконини беради (1 расмга қаранг).



а) М0 минимум нуктаси. Узлуксиз эгри чизик деформациясиз ва пунктир эгри чизик деформация билан бўлган ҳолатлар учун. Нисбий деформация $\varepsilon = 10^{-3}$ қийматга эга.



б) М3 максимум нуктаси. Узлуксиз эгри чизик деформациясиз ва пунктир эгри чизик деформация билан бўлган ҳолатлар учун. Нисбий деформация $\varepsilon = 10^{-3}$ қийматга эга.

1 расм. Критик нукталар яқинидаги комбинирланган ҳолатлар зичлиги

Ёритилган р-п-ўтишнинг тензосезгирлик коэффициенти учун қуйидаги ифодалар олинди:

$$K = \frac{\delta R}{R_0 \varepsilon}, \quad \frac{\delta R}{R_0} = -\frac{\frac{U}{J_d^2} \delta J}{\frac{U}{J_d}} = -\frac{\delta J}{J_d},$$

$$K_I = \frac{\delta j_d}{j_d \delta \varepsilon} + \frac{\delta j_I}{j_d \delta \varepsilon} = \frac{\delta j_d}{j_d \delta \varepsilon} \left(1 + \frac{\delta j_I}{\delta j_d} \right) = K_d \left(1 + \frac{\delta j_I}{\delta j_d} \right) \approx K_d \frac{\delta j_I}{\delta j_d} \gg K_d; \quad J_I = \frac{\beta e \alpha I_0}{\hbar \omega}, \quad \frac{\delta j_I}{\delta j_d} \gg 1 \quad (4)$$

Бу ерда K_d – коронгуликдаги тензосезгирлик, δR – қаршиликни ўзгариши, R_0 – бошланғич қаршилик, j_I – фототок, j_d – коронгуликдаги ток, ε – нисбий деформация.

Ёритилган р-п- ўтишнинг тензосезгирлигини ўзгармас деформация ε , ёруғлик частотаси ω ва интенсивлиги I орқали боқариш мумкинлиги ҳақида ҳулоса қилинган. Критик нукталар яқинида ютилиш коэффиценти кескин ўсиши мумкинлиги ва бунинг натижасида ютилиш коэффиценти аномал катта қийматлар қабул қилиши кўрсатиб берилган.


Диссертациянинг **“Яримўтказгичли структураларда деформация таъсирида фототоклар ва фотоэлектрюритувчи кучларнинг ўзгариши”** деб номланган учинчи бобида р-п-ўтишда юзага келувчи фототоклар ва фотоэлектрюритувчи кучларга деформациянинг таъсири тадқиқ этилган. Хусусий ёруғлик билан ёритилган р-п-ўтишда юзага келувчи фототок ва фотоэлектрюритувчи кучларга деформациянинг таъсири кўриб чиқилган. Хусусий ёруғлик билан ёритилган р-п-ўтишнинг вольтампер характеристикаси учун қуйидаги формула олинган:

$$j = j_s \left(e^{\frac{eU}{kT}} - 1 \right) - \frac{e \beta I A (\Xi \varepsilon)^r}{h \nu} \quad (5)$$

2 расмда р-п-ўтиш учун вольтампер характеристика келтирилган. Бунда уч хил ҳолат кўрилган, ёруғлик ва деформация таъсир этмаган ҳолат, хусусий ёруғлик билан ёритилган, аммо деформациясиз бўлган ҳолат ҳамда хусусий ёруғлик билан ёритилиб, турли қийматлардаги деформация таъсир этган ҳолатлар.

Олиб борилган тадқиқотлар натижасига кўра қуйидаги ҳулосалар қилинган. Фундаментал ютилиш чегарасида хусусий ёруғлик билан ёритилганда яримўтказгич деформацияга таъсирчан бўлиб қолади. Бу ташқи деформация ёрдамида электрон ва коваклар фотогенерацияси тезлигини бошқариш имконини беради. Ушбу ҳолатда яримўтказгичли фотоэлементларнинг фототоклари ва фотоэлектрюритувчи кучларини бошқариш имконияти пайдо бўлади.

Шунингдек, бу бобда р-п-ўтишнинг ўтаюқоричастотали майдондаги термодинамикаси кўриб чиқилган. Потенциал тўсиқни электромагнит тўлқин билан модуляцияси диод базасида заряд ташувчилар инжекциясини орттириши кўрсатиб берилган. Ушбу жараён электрон ва коваклар рекомбинациясини орттириб беради, бу эса манфий тескари кучланишларда ҳам диод орқали тўғри ток ўтишини таъминлайди. Турли интенсивликларда ёруғлик бериш орқали ўтаюқоричастотали майдонидаги диодда генерацияланаётган электрюритувчи кучнинг қиймати ва ишорасини ўзгартириш мумкин.



1–ёруғлик ва деформациясиз, 2– деформациясиз ёритилганда, 3–ёруғлик ва деформация ($\varepsilon=10^{-6}$) таъсирида, 4– ёруғлик ва деформация ($\varepsilon=10^{-5}$) таъсирида, 5– ёруғлик ва деформация ($\varepsilon=3 \cdot 10^{-5}$) таъсирида.

2-расм. Тўғри соҳали яримўказгич p-n-ўтиши учун вольтампер характеристика


Ўтаюқоричастотали майдонидаги p-n-ўтиш вольтампер характеристикаига ёруғлик ва деформациянинг таъсири тадқиқ этилган. 3-расмда p-n-ўтишнинг вольтампер характеристикаи келтирилган, бунда 1-эгри чизик хусусий ёруғлик билан ёритилган ҳолат учун, 2-, 3-, 4-эгри чизиклар хусусий ёруғлик билан ёритилиб деформация таъсир этган ҳоллар учун, 5-, 6-, 7-эгри чизиклар кучли ўтаюқоричастотали майдон таъсир этган ҳол учун келтирилган график (5) ва (6) ифодалар орқали назарий ҳисобланган.

$$j = j_{sn} \left(\left(\frac{T_e}{T} \right)^{1/2} e^{\frac{e\varphi_0}{kT} - \frac{e(\varphi_0 - U - U_1 \cos(\omega t))}{kT_e}} - 1 \right) + j_{sp} \left(\left(\frac{T_h}{T} \right)^{1/2} e^{\frac{e\varphi_0}{kT} - \frac{e(\varphi_0 - U - U_1 \cos(\omega t))}{kT_h}} - 1 \right) \quad (6)$$

3-расмнинг таҳлили шуни кўрсатадики, хусусий ёруғлик билан ёритилган p-n-ўтишга деформация таъсир этганда, вольтампер характеристика эгри чизиклари j - U текисликда пастга ва ўнг томонга силжийди. Ўтаюқоричастотали майдон таъсир этганда эса p-n-ўтишнинг вольтампер характеристика эгри чизиклари юқорига ва чап томонга силжийди. Ўтказилган тадқиқотлар натижасида куйидагича хулоса қилиш мумкин. Фундаментал ютилиш чегарасида хусусий ёруғлик билан ёритилганда яримўтказгич деформацияга таъсирчан бўлиб қолади. Ушбу ҳолда яримўтказгичли фотоэлементларда юзага келувчи қисқа туташув токи ва салт

юриш кучланишини бошқариш имконияти пайдо бўлади. Кучли ўтаюқоричастотали майдон таъсир этганда эса р-п-ўтишнинг вольтампер характеристика эгри чизиқлари $j-U$ текислигинин II чораги томон кўчади. Шундай қилиб, ёруғлик, деформация ва кучли ўтаюқоричастотали майдон тасирида р-п-ўтишнинг вольтампер характеристикани бошқариш мумкин, бу эса р-п-ўтиш асосида яратилган фотоэлементлар ва диодлар характеристикаларини бошқариш имконини беради.

Бундан ташқари иссиқ электрон ва ковакларнинг Ферми квазисатҳлари ва ёритилган р-п-ўтишда юзага келувчи электрйоритувчи кучлар тадқиқ этилган. р-п-ўтишни хусусий ёруғлик билан ёритилганда, фотоэлементда



1– деформациясиз, хусусий ёруғлик билан ёритилган ҳолат учун, 2– $\epsilon = 10^{-5}$ катталиқдаги нисбий деформация ҳамда хусусий ёруғлик билан ёритилган ҳолат, 3 – $\epsilon = 3 \cdot 10^{-5}$ катталиқдаги нисбий деформация ҳамда хусусий ёруғлик билан ёритилган ҳолат, 4– $\epsilon = 5 \cdot 10^{-5}$ катталиқдаги нисбий деформация ҳамда хусусий ёруғлик билан ёритилган ҳолат, 5– ёруғликсиз, деформациясиз ва ўтаюқоричастотали майдонининг импульсли таъсири остида (электронлар температураси 500 К, коваклар температураси 350 К), 6 – ёруғликсиз, деформациясиз ва ўтаюқоричастотали майдонининг импульсли таъсири остида (электронлар температураси 700 К, коваклар температураси 500 К), 7– ёруғликсиз, деформациясиз ва ўтаюқоричастотали майдонининг импульсли таъсири остида (электронлар температураси 1000 К, коваклар температураси 700К).

3-расм. Ёруғлик, деформация ва кучли ўтаюқоричастотали майдон таъсир этгандаги р-п-ўтишнинг вольтампер характеристикаси

генерацияланаётган фотоэлектрйоритувчи кучни босим орқали Ферми квазисатҳларини ўзгартирган ҳолда бошқариш мумкинлиги кўрсатиб берилган. Ёруғликни фундаментал ютилиш чегарасида электрон ва ковакларнинг Ферми квазисатҳларининг деформацияга боғлиқлигини ифодаловчи қуйидаги формулалар олинган:

$$F_n = kT \ln \left(\frac{n_0 + \beta I_0 A \epsilon^{\frac{1}{2}}}{N_c} \right) \quad (7),$$

$$F_p = kT \ln \left(\frac{p_0 + \beta I_0 A \varepsilon^{\frac{1}{2}}}{N_v} \right) \quad (8)$$

(7) ва (8) ифодалардан кўришиб турибдики, деформация фотоэлектронлар ва фотоковаклар концентрациясини оширади. Бу эса электронларни Ферми квазисатҳларини ўтказувчанлик соҳаси томонга, ковакларни Ферми квазисатҳларини валент соҳа томонига кўчишига олиб келади.


Электрон-ковак газининг қизишида квазисатҳларнинг кўчиши электрон ва ковакларнинг ҳароратини ортиши ҳисобига амалга ошади:

$$F_e - E_c = \frac{kT_e}{e} \ln \left(\frac{n}{N_c} \right), \quad n = N_c e^{\frac{F_e - E_c}{kT_e}} \quad (9),$$


$$E_v - F_h = \frac{kT_h}{e} \ln \left(\frac{p}{N_v} \right), \quad p = N_v e^{\frac{E_v - F_h}{kT_h}}. \quad (10)$$

Электронлар ҳарорати ортиши билан уларнинг Ферми квазисатҳлари ўтказувчанлик соҳасидан валент соҳа томонга кўчади, ковакларнинг Ферми квазисатҳлари эса валент соҳадан ўтказувчанлик соҳаси томонга кўчади. Шунини таъкидлаб ўтиш керакки, заряд ташувчиларнинг ўтаюқоричастотали майдон таъсирида қизиши натижасида Ферми квазисатҳларининг силжиши, ёруғлик таъсиридаги силжишидан принципно фарқ қилади. Ферми квазисатҳларининг ёруғлик ва ўтаюқоричастотали майдон таъсирида бундай ўзини тутишлари р-п-ўтишда юзага келувчи электрйоритувчи кучларнинг қийматлари ва ишораларида акс этади. Бу 3- расмда келтирилган вольтампер характеристика натижаларини тушунтириб беради.


Диссертациянинг **“Ёритилган яримўтказгичлар деформацион эффектларининг фаза портретлари”** номли тўртинчи бобида яримўтказгичлардаги генерацион-рекомбинацион жараёнлани тадқиқ этишда фазалар портрети қўлланилади, 4-расм. Ўзгарувчан деформация частотаси 1000 гц қийматга эга бўлганда фазалар портретининг юзаси энг катта бўлади (4 (а)-расмга қаранг). Яъни $\omega \cdot \tau = 1$ бўлганда фазалар портрети энг катта юзага эга бўлади, заряд ташувчилар генерация ва рекомбинацияси аста секинлик билан амалга ошади. Ўзгарувчан деформация частотаси ўзгариши билан фазалар портретларининг шакллари ўзгара бошлайди (4 б,с,д,е,ф расмларга қаранг). Ўзгарувчан деформация частотаси ортиб, частота ва яшаш вақтларининг кўпайтмаси $\omega \cdot \tau \gg 1$ бўлганда фазалар портретининг шакли горизонтал кесмага айцланади (4 ф расмга қаранг), яъни заряд ташувчиларнинг генерация ва рекомбинацияси деярли сезилмайди.




a)




b)




c)



d)



e)




f)

4 расм. Концентрация n нинг $\frac{\partial n}{\partial t}$ га боғлиқлигининг фазалар портрети


Тескари холда эса, яъни ўзгарувчан частота минимал қийматга эга бўлиб $\omega \cdot \tau \ll 1$ бўлганда фазалар портретининг шакли вертикал кесма кўринишига эга бўлади (4 f расмга қаранг), бу ерда заряд ташувчиларнинг генерация ва рекомбинацияси кескин намоён бўлади.

Шундай қилиб, фазалар портретининг шакли бизга заряд ташувчилар концентрацияси ва унинг ўзгариш тезлигида ўзгарувчан деформация частотаси қандай акс этиши ҳақида маълумот беради.

Фазалар портрети услуби орқали чизикли ва квадратик рекомбинациялар аниқланган (5-расм).



а) чизикли рекомбинация учун



б) квадратик рекомбинация учун

5 расм. Тўғри рухсат этилган ўтишлар учун фазалар портрети

Чизикли рекомбинация учун олинган олинган фазалар портрети сиртмоқ шакли кўринишида, квадратик рекомбинация учун олинган фазалар портрети пона шакли кўринишига эга эканлиги таъкидлаб ўтилди. Бу кўрилатган жараёнда қайси турдаги рекомбинация устунликка эга эканлиги ҳақида хулоса қилиш имконини беради. Агар фазалар портретининг шакли сиртмоқ шаклида бўлса, демак, бу ерда чизикли рекомбинация устунлик қилмоқда дейиш мумкин. Агар фазалар портретининг шакли пона кўринишига эга бўлса, у холда квадратик рекомбинация устунлик қияпти, деган хулосага келиш мумкин.


Фазалар портретининг анализи натижалари қуйидагича хулоса қилиш имконини беради:

- фазалар портретининг шакли бизга кўрилатган генерацион-рекомбинацион жараёнларда рекомбинациянинг қайси тури (квадратик ёки чизикли) кечаётганлиги ҳақида маълумот беради.

- Ҳам чизикли, ҳам квадратик рекомбинацияларда тўғри рухсат этилган ўтишлар учун заряд ташувчиларнинг концентрациялари фарқи, тўғри рухсат этилмаган ўтишлар учун бўлган концентрациялари фарқидан ортиқ бўлади.


- Чизикли рекомбинациядаги заряд ташувчиларнинг фарқи, квадратик рекомбинациядаги заряд ташувчиларнинг фарқидан ортиқ бўлади.

Фазалар портретининг шаклига рекомбинацион марказларнинг таъсири тадқиқ этилган.



Рекомбинацион марказлар концентрацияси
 $N_t = 2 \cdot 10^{13} \text{ см}^{-3}$ дан $N_t = 8 \cdot 10^{13} \text{ см}^{-3}$ гача
 ўзгарган ҳол учун.

**6-расм. n нинг $\frac{dn}{dt}$ га боғлиқлигини
 ифодаловчи фазалар портрети**



Рекомбинацион марказлар концентрацияси
 $N_t = 2 \cdot 10^{13} \text{ см}^{-3}$ дан $N_t = 2 \cdot 10^{12} \text{ см}^{-3}$ гача
 ўзгарган ҳол учун.

**7-расм. n нинг $\frac{dn}{dt}$ га боғлиқлигини
 ифодаловчи фазалар портрети**

Генерацион-рекомбинацион жараёнларни фазалар портрети ёрдамида тадқиқ қилиш натижалари бизга қуйидагича хулосалар қилиш имконини беради:

– рекомбинацион марказларнинг ортиб бориши яримўтказгичдаги заряд ташувчиларнинг камайиши билан ифодаланади ва фаза траекторияси спирал кўринишида ҳам n , ҳам $\frac{dn}{dt}$ ўқлари бўйича кичик қийматлари томон ўралиб боради.

– рекомбинацион марказларнинг камайиб бориши яримўтказгичдаги заряд ташувчиларнинг ортиши билан ифодаланади ва фаза траекторияси спирал кўринишида ҳам n , ҳам $\frac{dn}{dt}$ ўқлари бўйича катта қийматлари томон очилиб боради. Фаза портретлари яримўтказгич асбобларининг диагностикасини олиб бориш имконини беради.


Диссертациянинг **“Яримўтказгичли структураларнинг энергетик сатҳларини температуравий боғлиқлиги”** номли бешинчи бобида квазибирўлчовли электрон газнинг энергетик сатҳлари ва ҳолатлар зичлигининг иссиқлик кенгайиши тадқиқ этилган. Ҳолатлар зичлигининг температуравий боғлиқлиги учун қуйидаги формула олинди:

$$N(E, T) = N_0 \int_{E_{\min}}^{E_{\max}} \sum_{n=1}^{\infty} \sum_{l=1}^{\infty} \frac{\Theta(E' - E_1 n^2 - E_2 l^2)}{\sqrt{E' - E_1 n^2 - E_2 l^2}} GN(E', E, T) dE' =$$

$$= N_0 \int_{E_{\min}}^{E_{\max}} \sum_{n=1}^{\infty} \sum_{l=1}^{\infty} \frac{1}{kT \sqrt{E' - E_1 n^2 - E_2 l^2}} \exp \left[\frac{E' - E}{kT} - \exp \left(\frac{E' - E}{kT} \right) \right] dE' \quad (11)$$

(11) формула орқали ҳолатлар зичлигининг температуравий боғлиқлигининг графиги келтирилган. Бунда бирўлчовли электрон газ квант ип деб қаралиб, унинг ҳолатлар зичлигининг тепературавий боғлиқлиги, квантловчи магнит майдондаги уч ўлчовли электрон газнинг ҳолатлар зичлигининг тепературавий боғлиқлиги каби деб қаралади.

8-расмда бир ўлчовли электрон газнинг ҳолатлар зичлигининг энергияга боғлиқлик графиги келтирилган.




8-расм. Турли ҳароратдаги 1D электрон газининг ҳолатлар зичлигининг энергияга боғлиқлик графиги: $L_1=10^{-8}$ м ва $L_2=1,5 \cdot 10^{-8}$ м

Узлуксиз эгри чизиклар орқали $T=10$ К ҳароратда олинган ҳолатлар зичлиги келтирилган. Температуранинг ортиб бориши квантланган дискрет сатҳларнинг пиклари баландликларини кучли камайтиради. Кейинги температуранинг янада оширилиши ҳолатлар зичлиги пикларини янада силлиқлаб баланд бўлмаган дўнгликларга айлантиради. $T=300$ К ҳароратга келиб бир ўлчовли газ ҳолатлари зичлиги бир маромда ўсувчи энергиянинг функциясига айланиб қолади ва дискрет сатҳлар деярли сезилмай қолади.

9-расмда бир ўлчовли электрон газнинг ҳолатлар зичлиги температура ва энергияга боғлиқлигининг 3 ўлчовли графиги келтирилган.

9-расмдан кўриниб турибдики, температуранинг термодинамик ҳолатлари таъсири кучли. Паст температураларда бир ўлчовли электрон газ ҳолатлар зичлиги электрон энергиясини кучли осцилляцияловчи функция кўринишида бўлади. Ҳарорат ортиши билан ҳолатлар зичлиги осцилляциялари камайиб

боради ва юқори температурада бир маромда ўсувчи функцияга айланиб қолади.



$$L_1=10^{-8}\text{ м ва } L_2=1,5\cdot 10^8\text{ м}$$

9-расм. Турли хароратдаги 1D электрон газининг ҳолатлар зичлигининг энергияга боғлиқлигининг уч ўлчовли фазодаги графиги

Квант ўрадаги энергия қуйидагича аниқланади:

$$E_n = \frac{\hbar^2 k^2}{2m} = \frac{\hbar^2 (2\pi)^2 n^2}{2mL(T)^2}; \quad k = \frac{2\pi}{L} n; \quad L_n = L_0(1 + \alpha T); \quad E_n(T) = \frac{\hbar^2 n^2}{2mL_0^2(1 + \alpha T)^2} = \frac{E_n(0)}{(1 + \alpha T)^2};$$


$$E_n(0) = \frac{\hbar^2 n^2}{2mL_0^2}; \quad E_n(T) = \frac{E_n}{(1 + \alpha T)^2}; \quad \alpha \ll 1; \quad E_n(T) = E_n(0) \frac{(1 - \alpha T)^2}{(1 - (\alpha T)^2)^2}; \quad E_n(T) \approx E_n(0)(1 - 2\alpha T)$$

$$\Delta E_n = \Delta E_n(0)(1 - 2\alpha T)$$

Шундай қилиб, $\alpha > 0$ бўлганда қўшни дискрет сатҳлар орасидаги масофа камайиб боради, $\alpha < 0$ бўлганда эса орадаги масофа температура ортиши билан ортиб боради. Бу экспериментал тасдиқлан. *Ge*, *Si* ва бошқа материалларда $\alpha > 0$ бўлиб, ҳақиқатан ҳам энергия ортиши билан ΔE_n камайиб боради, *PhS*, *PbTe* ва бошқа кўрғошин халкогенидларида $\alpha < 0$ ва тақиқланган зона кенглиги температура ортиши билан ортиб боради. Бу тақиқланган зона кенглигининг температуравий боғлиқлигида иссиқлик кенгайиш коэффициентининг роли ҳақида далолат беради. Ушбу ҳолат пастўлчамли яримўтказгич структуралари учун ҳам, массив яримўтказгичлар учун ҳам

тўғридир. Бу ҳодиса квант ипларида ҳам, квант нуқталарда ҳам кузатилиши керак.

Қуйидаги ишларда келтирилган^{5,6} кристалл панжаранинг тебраниши ва энергетик сатҳларнинг иссиқлик кенгайиши билан боғлиқ бўлган энергетик тирқишларнинг температурага боғлиқлиги ўрганилди, 10-расм.



Хар бир материал учун учта эгри чизик келтирилган: 1– узлуксиз эгри чизиклар бўлиб, булар Боднар И.В.^{5,6} ишларида олинган экспериментлардир; 2– штрих пунктир эгри чизиклари бўлиб, Кейс муносабатига асосан олинган эгри чизиклардир; 3 – штрих эгри чизиклари Кейс муносабатида иссиқлик кенгайишини ҳисобга олган ҳолда олинган.

10-расм. Тақиқланган зона кенглигининг температурага боғлиқлиги $FeIn_2S_4$ ⁵ ва $CuIn_5S_8$ ⁶ материаллари учун

Бу ишларда янги яримўтказгич материалларининг тақиқланган зона кенглигининг $E_g(T)$ температурага боғлиқлиги келтирилган. Кўриниб турибдики, температурага боғлиқлик яримўтказгичларга хосдир, температура пасайиши билан тақиқланган зона кенглиги ортади, 11-расм.

$E_g(T)$ боғлиқликни ифодалашда, шунингдек, Кейс муносабатидан ҳам фойдаланилган:

$$E_g = E_g(0) - C_V \alpha T \quad (12)$$

Бу ерда α –пропорционаллик коэффицентлари, C_V – ўзгармас ҳажмдаги иссиқлик сиғими.

Энергетик сатҳларнинг термик кенгайиши ҳисобга олинadиган бўлса, $E_g(T)$ боғланиш қуйидагича кўринишга эга бўлади:

$$E_g = E_g(0) - C_V \alpha T - \Delta E_g(T) \quad (13)$$

⁵ I. V. Bodnar and S. A. Pavlukovets, Semiconductors. Vol. 45, No. 11, pp. 1395–1398 (2011).

⁶ I. V. Bodnar, Semiconductors. Vol. 46, No. 5, pp. 602–605 (2012).


Бу тенгламанинг охирги ҳади валент зона ва ўтказувчанлик зонасининг энергетик сатҳларининг иссиқлик кенгайишини ифодалайди ва қуйидаги ифодалар билан аниқланади:

$$N_k = \sum_{i=1}^n N_i(E_i) GN(E_i, E, T),$$

$$E_g(T) = E_c(T) - E_v(T)$$

